

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари

(2017 йил 8Май – 13Май)

№36

Тошкент – 2017

Ўзбекистон – Хитой: стратегик шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 11 май куни давлат ташрифи билан Хитойга келди.

Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлаб берган ўзаро дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизидан тараққий этмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги Қўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёнот ташкил қилади.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ниҳоятда кенг кўламдир. Улар узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Президентимизни Хитойга биринчи давлат ташрифи билан самимий қутлади.

Сиз билан Пекинда учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Бу йил давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам жадал ривожланишига замин яратади. 2016 йилда Бухорода бўлганимда менга ҳамроҳлик қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман. Бугун барча соҳаларда

хамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, деди Си Цзиньпин.

ХХР Раиси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев таклиф учун Си Цзиньпинга миннатдорлик билдирди ва бугунги музокаралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантикий давоми эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев.

Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Хитой Ўзбекистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкоридир. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа товарларга талаб катта.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга

оширилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналари, жумладан, Дехқонобод калийли ўғитлар, Қўнғирот сода заводлари курилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмагида мамлакатимизда электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, курилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Huawei” компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон худудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва қазииш ишларида фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Музокараларда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида Англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон – Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни билан, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 72 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сиз, азизларга ва сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Барчамизга маълумки, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан 9 май санасини юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Мана шу улуғ айём кунида ҳаммамиз энг аввало уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтирамиз.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат бўлиб юрган муҳтарам фахрийларимизга таъзим қиламиз. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, бизнинг халқимизга ҳам мислсиз қулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани – ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси, десак, асло хато бўлмайти.

Бундай мисоллар буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Сиз, мухтарам фахрийларимизнинг урушдан кейинги оғир тикланиш йилларида қандай буюк хизмат қилганингизни халқимиз асло унутмайди.

Сизларнинг мардлик ва матонатингиз, меҳнат жасоратингиз бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда одамларимиз юртимизда, барча вилоят ва туманларда барпо этилган Хотира майдонларига келиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўймоқда. Урушда ҳалок бўлган ўз яқинлари, ота-боболари хотирасини ёд этмоқда. Бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олмоқда.

Буюк Ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб тадбирлар, уруш қатнашчилари билан учрашувлар, хотира маросимлари ўтказилмоқда.

Айни пайтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, барчамизни тарбиялаб, вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган сиздек табаррук инсонлар олдида биз доимо қарздормиз. Шунинг учун ҳам ҳурматли нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу масала қаерда, қайси лавозимда ишламасин, юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, раҳбарлар фаолиятида ҳамиша биринчи ўринда туриши, уларнинг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши керак.

Азиз дўстлар, мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Бу ғанимат, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган ҳаётда уларни қанча қадрлаб, имкон қадар умрларини узайтиришга қанча ҳаракат қилсак, икки дунёда асло кам бўлмаймиз.

Агарки мендан, дунёдаги қайси оила энг бахтли, деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмасдан, кексалари бош бўлиб, иззат-ҳурматда ҳаёт кечираётган оила, деб жавоб берган бўлардим.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана шу қутлуғ байрам кунларида бутун халқимиз бундай даҳшатли уруш энди ҳеч қачон қайтмасин, деб чин дилдан ният қилмоқда. Бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт учун шукрона билдирмоқда.

Дунёда турли қарама-қаршилиқлар кескинлашиб, терроризм, экстремизм хавфи кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Биз **“Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”**, деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасдан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак. Бизнинг қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимиз, режа ва дастурларимиз – бу мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўладими, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳалари фаолиятини такомиллаштириш бўладими, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш бўладими – буларнинг барчаси ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиб. Бугунги қутлуғ айёмда ота-боболаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб, Ватан ҳимояси йўлида ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилаётган мард ва жасур аскарларимизга, офицер ва генералларимизга халқимиз номидан, ўз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Фурсатдан фойдаланиб, бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик ҳамда раванқ тилайман.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Барчангизни 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни билан яна бир бор қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.

Путин савдо-сотиқни соддалаштириш бўйича Евроосиё битими тузишни таклиф этди

«Минтақа давлатлари ўртасида савдо-сотиқ жараёнларини соддалаштириш учун Евроосиё битимини тайёрлаш керак», — деган бугун РФ президенти Владимир Путин Пекиндаги «Бир макон, бир йўл» форумидаги чиқишида.

«Бу ўринда Бутунжаҳон савдо ташкилотининг залворли ва қимматли тажрибасига таяниш мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, 2017 йил февралда Бутунжаҳон савдо ташкилотининг маҳсулотлар ҳаракати йўлидан тўсиқларни олиб ташлаш ҳақидаги битими кучга кирганини эслатиб ўтмоқчиман. Албатта, биз бу низомларни ривожлантиришимиз керак савдо жараёнларини соддалаштириш борасида янада илғор Евроосиё битимини тайёрлашимиз керак», — деган Путин.

Россия президентининг сўзларига кўра, РФ ҳамкор-давлатлар ҳудудида кўшма корхоналар қуриш учун инвестициялар киритишга тайёр.

«Таъкидлаб ўтишим жоизки, Россия нафақат савдо-сотик қилиш, шунингдек, ҳамкор-давлатлар ҳудудида кўшма ҳамда янги ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ишлаб чиқаришни, маҳсулотларни ўтказиш ва уларга хизмат қилиш ишларини ривожлантиришга инвестиция киритиш учун тайёр», — деган РФ президенти.

РФ мудофаа вазирлиги КХДР ракетаси Россия чегарасидан қанча узоқликда қулаганини айтиб ўтди

Россиянинг ракета ҳужумидан огоҳлантириш тизими КХДР томонидан учирилган ракетани токи у Россия чегарасидан 500 км узоқликда қулаб тушгунга қадар кузатиб турган, дея хабар беради Россия Мудофаа вазирлиги

Якшанба куни маҳаллий вақт билан 5:28 да (Москва вақти билан шанба куни соат 23:28 да) Шимолий Корея ўзининг ғарбий соҳилидаги Пёнган-пукто провинцияси Кусон туманидан ракета учирган. Ракета 30 дақиқа парвоз қилган унинг парвози масофаси 800 километрни ташкил этган.

АҚШ маъмурияти баёнотида айтилишича, ракетада АҚШ чегаралари яқинида “Япониядан кўра Россияга яқинроқ ҳудуд”да қулаган. Пентагоннинг маълумотларига кўра, гап қитъалараро баллистик ракетаси парвози ҳақида бормаяпти.

“Баллистик ракета ракета ҳужумидан огоҳлантириш тизими томонидан парвозининг 23 дақиқаси мобайнида токи у Япон денгизининг марказий қисми, Россия чегараларидан 500 км нарида қулаганга қадар кузатилиб турилди”, — дейилади Россия мудофаа вазирлиги хабарида.

Бу ракета учирилиши Россия учун ҳеч қандай хавф туғдирмаган, дейилади мудофаа вазирлиги хабарида.

Идоранинг маълумотларига кўра, парвоз траекторияси Россия чегаралари йўналишида давом этган бўлса-да, сезиларли узоқликда давом этган.

Кобулда портлаш юз берди

Афғонистон пойтахтида кучли портлаш юз берди. Бунинг оқибатида бир неча киши ҳалок бўлди, деб хабар бермоқда Reuters.

Аниқлик киритилишича, камида икки нафар давлат хизматчиси қурбон бўлган.

Яна бир неча киши жароҳат олгани айтилмоқда.

Ҳозирча ҳеч бир гуруҳ портлаш учун масъулиятни ўз зиммасига олмади.

Аввалроқ Афғонистон ҳукумати ИШИДнинг мамлакатдаги етакчиси Абдулла Ҳасиб йўқ қилингани ҳақида хабар берганди.

Трамп киберхавфсизликка оид янги фармонни имзолади

АҚШ президенти Дональд Трамп Қўшма Штатлар ҳукумат тузилмаларининг киберхавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги фармонни имзолади. Бу ҳақда Рейтер агентлиги Трамп маъмуриятдаги юқори мансабли амалдорга асосан **хабар тарқатган**.

Агентлик маълумотига кўра, фармон федерал ҳукумат киберхавфсизлигини мустаҳкамлаш ва инфратузилманинг муҳим элементларини киберҳужумлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Имзоланган янги фармон ҳақидаги қўшимча тафсилотлар ҳозирча ошкор этилмаган.